

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**БАХАДИРОВ УМИДЖАН ШАКИРДЖАНОВИЧ**

**БУҒДОЙ НАВ ВА ТИЗМАЛАРИДА ШИРАГА ЧИДАМЛИЛИК  
ГЕНЛАРИНИ ДНК МАРКЕРЛАРИ ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бахадиров Умиджан Шакирджанович**

Буғдой нав ва тизмаларида ширага чидамлилиқ генларини ДНК маркерлари ёрдамида аниқлаш

**Бахадиров Умиджан Шакирджанович**

Определение генов устойчивости к тле у сортов и линий пшеницы с помощью ДНК маркеров

**Baxadirov Umidjdan SHakirdjanovich**

Determination of aphid resistance genes in penny varieties and lines using DNA markers

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ**

**БАХАДИРОВ УМИДДЖАН ШАКИРДЖАНОВИЧ**

**БУҒДОЙ НАВ ВА ТИЗМАЛАРИДА ШИРАГА ЧИДАМЛИЛИК  
ГЕНЛАРИНИ ДНК МАРКЕРЛАРИ ЁРДАМИДА АНИҚЛАШ**

**03.00.09 – Умумий генетика**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

**Фаласафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/В207 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.genetika.uz](http://www.genetika.uz)) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Тураев Озод Суннаталиевич**

биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
катта илмий ходим

**Расмий оппонентлар:**

**Кушанов Фахриддин Нетьматович**

биология фанлари доктори (DSc), катта илмий  
ходим

Джабборов Иброхим Шодмонович

биология фанлари доктори (DSc), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўсимликлар генетик ресурслари институти**

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.В.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30; e-mail: [e-mail: igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz)).

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори-Юз п/б, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.А. Нариманов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.-х.ф.д.проф.

**С.К. Бабоев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, б.ф.д.,  
профессор

**Ш. Юнусханов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, б.ф.д.,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолисининг ўсиб бориши туфайли буғдой маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Компютер моделларининг тахмин қилишича, буғдой маҳсулотларини 2050 йилга бориб, истеъмолчилар томонидан ҳозиргига қараганда 60 фоиз кўпроқ миқдорда талаб қилинган. Бундан ташқари, сув танқислиги, тупроқ шўрланиши, зараркунанда ҳашаротлар ва касалликлар туфайли буғдой ҳосилининг катта қисми йўқотилиши талабнинг янада ортишига сабаб бўлган. Бу талабни янги ерларни ўзлаштирмасдан, ўғит, сув ва ишчи кучидан оқилона фойдаланган ҳолда, зараркунанда ҳашаротлар ва касалликларга чидамли янги авлод буғдой навларини яратиш орқали кондириш долзарб вазифалардан эканлигини кўрсатган.

Дунё олимлари томонидан ғалла экинлари зараркунандаларига чидамлилиқ хусусиятларини аниқлаш, чидамли навларни танлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда. Жумладан катта ғалла шираси ва черемуха ширасининг биологик хусусиятлари, турли – эколого-географик ҳудудларда тарқалиши, ғалла экинларининг чидамлилиги бўйича скрининг ўтказилмоқда. Шунга қарамай ҳосилдор, дон сифати ва тўйимлилиги юқори бўлган интенсив типдаги навлар кўпинча зараркунандаларга чидамсиз бўлиб, бу зараркунадаларнинг агробιοценозда тўпланишига ёрдам беради. Шу муносабат билан зараркунандалар ва патогенларга чидамли юқори маҳсулдорлик ва дон сифатини бирлаштирган навларни излашга катта эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ислохотлар амалга оширилгани натижасида ғалла мустақиллигига эришилди, буғдойнинг маҳаллий иқлим шароитларига мослашган, иссиқликка ва қурғоқчиликка чидамли навларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ўзбекистон республикасини “2022-2026 йилларга мўлжалланган тарққиёт стратегиясида”<sup>1</sup> “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш” вазифаси қўйилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда юмшоқ буғдойнинг ширага чидамлилиқ генларини аниқлаш орқали ширага чидамли навларни танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги 959-сон «Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 06 март 2020 йилдаги ПҚ-4634 –сон “Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли 2022-2026 йилларга мўлжалланган тарққиёт стратегиясида тўғрисида” ги Фармони

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хорижий олимлар томонидан буғдой геномини тадқиқ этишда ДНК маркерлар технологияси самарали қўлланилмоқда. Хусусан, ғалла ширасига чидамлик генларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борган Радченко, Е.Е. (2000), Mohase L. (2002), Tolmay V.L. (2005), Xuming Liu. (2005), Collard B.C.Y (2008), Dedriver, C.A. (2010), Paux E. (2010), Michael Smith.(2014), Bierman A. (2014), Xiangyang Xu. (2015), Mundt C.C (2018), Pieter H du Preez (2020) каби хорижий олимлар фаол тадқиқотлар олиб борганлар.

Рус буғдой ширасига чидамлик генлари идентификация қилган Liu (2001), Lapitan (2007), Ma (1998), Marais (1994), Valdez (2012) ва Smith (2004) олимлар томонидан 14-та чидамлик генлар (*Dn1*, *Dn2*, *Dn3*, *Dn4*, *Dn5*, *Dn6*, *Dn7*, *Dn8*, *Dn9*, *Dnx*, *Dny*, *Dn2401*, *Dn626580* ва *Dn1881*) ва уларнинг буғдой хромосомасидаги жойлашган ўрнини аниқланган. Булардан *Dn1*, *Dn2*, *Dn5*, *Dn6*, *Dn8* ва *Dnx* генлар ёки уларнинг аллеллари буғдойнинг еттинчи D хромосомаси калта елкасида (7DS) жойлашган бўлиб, зич жойлашган ген кластерини ташкил қилади ва улар биринчи хромосоманинг калта елкасида (1DS) жойлашган *Dn4* генидан фарқ қилган. *Dn9* гени 1DL хромосомада жойлашганлиги аниқланган. *Dn7* гени жавдарнинг 1RS хромосомаси калта елкасидан олинган буғдойнинг транслокация қилинган 1RS/1BL хромосомасида аниқланган. Республикамиз олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда, ғалла экинларида Яхонтов В.В (1965), Хўжаев Ш.Т (2000), Хайитов Э. (2002), Пўлатов З. (2008), Уразбаев А (2015) буғдой ва арпа шираларининг биологияси, кўпайиш динамикалари ўрганилган.

Юқоридаги олимларнинг тадқиқот ишлари турли усулларда олиб борилган бўлсада, бироқ ханузгача мамлакатимизда буғдойнинг ширига чидамлик генларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу боисдан ҳам, юқоридаги муаммоларга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Генетика ва ўсимликлар экспериментал биология илмий-тадқиқот ишлари режасининг ВА-ФА-Ф-5-005 «Кузги буғдой гермплазмасида шираларга чидамлик бўлган генлар ва локусларни аниқлаш» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Республикамизда етиштирилаётган ва хориждан интродукция қилинаётган юмшоқ буғдой нав ва тизмаларларида ширага чидамлилик генларини ДНК маркерлар ёрдамида аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Маҳаллий ва хорижий юмшоқ буғдой нав ва тизмаларининг шира билан зарарланишини скрининг қилиш;

Шира билан зарарлантирилган сунъий фонларда бардошли ва чидамсиз нав ва тизмалар намуналарини ажратиб олиш;

Адабиётлар таҳлили асосида ширага чидамлилик билан генетик боғланган ДНК маркерлар панелини тузиш;

ДНК маркерларидан фойдаланиб буғдой намуналарини ПЗР таҳлили асосида генотиплаш;

Буғдой намуналарининг ўзаро филогенетик муносабатларини ўрнатиш;

Фенотипик ва генотипик жиҳатдан чидамлиликни намоён этган буғдой нав ва нав намуналарини ажратиб олиш.

**Тадқиқотнинг объекти** тажриба материаллари сифатида жами 120 та буғдой нав ва тизмаларидан фойдаланилди. Жумладан, тадқиқотларга 100 та турли йилларда районлаштирилган навлар, 10 та Ўзбекистон селекциясига мансуб маҳаллий навлар ҳамда 10 та халқаро (СИММУТ) кўчатзорлардан олинган намуналардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** микросателлит маркерлар тўпламидан фойдаланиб буғдойнинг ширага чидамлилигини молекуляр скрининг қилиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажариш жараёнида буғдой генетикасининг анъанавий усулларидан, геномиканинг замонавий усулларидан ҳамда статистика усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Республикамизда етиштирилаётган ва хориждан интродукция қилинган юмшоқ буғдой нав ва тизмалар намуналари ичидан қиёсий морфология усуллари орқали ширага чидамлиликлари аниқланган;

илк бор ДНК маркерлари ёрдамида юмшоқ буғдой нав ва тизмалари ичидан ширага чидамли генотиплар ажратиб олинган;

ДНК маркерлари ёрдамида юмшоқ буғдой нав ва тизмалари геномида ширага чидамлилик *Dn* генларининг мавжудлиги аниқланган;

буғдой нав ва тизмаларининг молекуляр филогенетик шажарасини аниқлаш асосида уларнинг ўзаро генетик яқин ёки узоқлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

Юмшоқ буғдой нав ва тизмаларини шира билан сунъий зарарлантириш йўли билан ширанинг кўпайиш динамикасига қараб бардошли навлар ажратиб олинган;

ДНК маркерлари ёрдамида чидамли буғдой нав ва тизмалар аниқланган;

Фойдаланилган ДНК маркерлари ичидан Xgwm44 ва Xgwm111 маркерларининг тегишли аллеллари кўпроқ чидамли генотипларда учрагани аниқланган;

Буғдой нав ва тизмалари ичидан Термиз-10 нави фенотипик ҳамда генотипик жиҳатдан чидамли эканлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** изланишларда қўлланилган усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар ва республика ҳамда халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, диссертация иши натижалари Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти буғдой намуналаридаги чидамлилиكنинг қиёсий морфологик, генетик ва статистик усуллар билан асосланганлиги, ДНК маркерлари ёрдамида чидамли буғдой намуналари геномида *Dn* генларининг мавжудлигининг тасдиқланганлиги ҳамда намуналарнинг ўзаро молекуляр филогенетик муносабатларига ойдинлик киритилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти геномида ширага чидамlilik генлари мавжуд буғдой нав намуналари маркерларга асосланган селекция (МАС) технологияси учун қимматли манба эканлиги, чидамlilikка алоқадорлиги амалий тасдиқланган ДНК маркерларининг МАС дастурига тадбиқ қилиниши натижасида қисқа муддатларда ширага бардошли буғдой навларини яратишнинг имкони яратилгани билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Буғдойнинг нав ва тизмаларида ширага чидамlilik генларини ДНК маркерлари ёрдамида аниқлаш бўйича олинган натижалар асосида:

буғдойда ширага чидамlilik генларини идентификация қилишда танлаб олинган праймерлар ICARDA (The International Center for Agricultural Research in the Dry Areas) халқаро марказининг “20-FWW-AWYT”, “23-IWWYT-IR”, “27-FAWWON-IR” кўчатзорлари намуналарини скрининг қилишда фойдаланилган (ICARDA ташкилотининг 12 ноябр 2021 йилдаги 0999-сон маълумотномаси). Натижада, геномида ширага чидамlilik генлари идентификация қилинган донорлар танлаб олиш ва янги навлар яратишда фойдаланиш имконини берган;

чидамlilik генлари аниқланган Термез-10 нави назорат Яксарт, Таня, Крошка ва Гром навлари билан Тошкент вилояти Қибрай тумани “Chinobod Urazimbetov Agro Fayz” фермер хўжалигида 50 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2021 йил 23 декабрдаги №01/03-3483 - сонли маълумотномаси). Натижада, Яксарт, Таня, Крошка ва Гром навларида 1-3 балгача шира билан зарарланиш кузатилган, ширага чидамли бўлган Термез-10 навидан 80 центнер ҳосил олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг амалий натижалари ва илмий янгилиги келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Буғдойда ширага (*Diuraphis noxia*) чидамлилиқ хусусиятларининг генетик асослари**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси доирасида хорижий ва республикамиз олимлари томонидан буғдойнинг шира зараркунандаси турлари, биологияси, тарқалиши, зарари ва чидамлилиқ *Dn* генлари юзасидан олиб борилган тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Айниқса, дунё олимлари томонидан молекуляр маркерларни идентификация қилишда қўлланилган усуллар ва уларнинг афзалликлари алоҳида ёритиб берилган. Буғдойда миқдорий белгилар локуслари ва маркерларга асосланган селекция тадқиқотларининг натижалари ва уларнинг самарадорлиги очиқ берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба олиб бориш жойи ва шароити, олиб борилган тадқиқотларнинг манбаи ва унинг тавсифлари, тадқиқот ўтказиш услублари, лаборатория ва дала шароитида генетика усулларини амалга ошириш борасидаги ишлар, олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган статистик услублар каби маълумотлар баён қилинган.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биология институти “Донли экинлар генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги” лабораториясида дала тажрибалари бажарилган. Шунингдек, қолган молекуляр ишлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика марказида амалга оширилган.


Диссертация иши бўйича тадқиқотлар қуйидаги кетма-кетликда

бажарилган: Тадқиқот ишларида буғдой ўсимлигида ширанинг кўпайиш динамикасини баҳолаш, ўсимталардан ДНК ажратиш, микросатилет маркерлари ёрдамида ПЗР қўйиш, биоинформатик ва статистик таҳлиллар услубларидан фойдаланилган.

Таҳлиллар натижасида дон массаси ва ўсимликнинг куруқ биомассаси йўқотилишига қараб ширага чидамсиз ва нисбатан бардошли навлар ажратиб олинган.

Диссертация тадқиқотида «Ширанинг кўпайиш динамикаси ва буғдой намуналарининг чидамлилигини дала шароитида баҳолаш» деб номланган учинчи бобида ширанинг кўпайиш динамикасининг таҳлиллари, кичик дала тажриба майдончасида ширанинг кўпайиш динамикасини баҳолаш, Дала шароитида ширанинг кўпайиш динамикаси ва ширанинг юмшоқ буғдой морфо-хўжалик белгиларига таъсирини баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Бобнинг биринчи бўлимида кичик дала тажриба майдончасида ширанинг кўпайиш динамикасини баҳолаш ҳар беш кунда олиб борилган ҳисоблашларнинг иккинчи ва учинчисида ширалар сони фақат қадимий буғдой навларидан Бобоки (Сурхондарё) навида ва коллекцион материаллардан №1029 намунасида ширалар сонининг кучли даражада (340 ва 526 та мос равишда) кўпайгани кузатилган. Май ойининг охирида шира кўпайиши учун оптимал шароит юзага келди ва баъзи намуналарда ширанинг сони мингтагача етгани кузатилган. Бу ҳолатда ҳам Сурхак навининг Яккабоғ туманидан олинган намунасида ва Қизил буғдойнинг (Олтинсой) навида ширалар сонининг сезиларли даражада ортганлиги кузатилмаган. Бу намуналар ширага нисбатан чидамли намуналар сифатида эканлиги аниқланган (1 расм).



**1-расм. Давлат реестрига киритилган юмшоқ буғдой навларида ширанинг кўпайиш динамикаси.** 1-Хамкор, 2-Половчанка, 3-Чиллаки, 4-Хазрати Башир, 5-Маржон, 6-Крошка, 7-Гора, 8-Тараққиёт, 9-Жайхун, 10-


Восток, 11-Ғозғон, 12-Давр, 13-Дўстлик, 14-Бунёдкор, 15-Санзар-8, 16-Ёнбош, 17-Термиз-10, 18-Термиз-6, 19-Гром, 20-Яксарт

Бобнинг иккинчи бўлимида дала шароитида ширанинг кўпайиш динамикаси таҳлил қилинганда ширага энг чидамсиз нав Гром ва Дўстлик нави 2-3 балл бўлиб, бу навда май ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ ширалар колониялар ҳосил қилганлиги кузатилган. Энг кам шира тушган навлар Половчанка, Тараққиёт, Ғозғон, Давр ва Термиз-10 навлари бўлган.

Бобнинг учунчи бўлимида ширанинг юмшоқ буғдой морфо-хўжалик белгиларига таъсирини баҳолашда қадимий маҳаллий навлардан Қайроқтош нави 64%, Бойсун Тўра-2 навида 55% дон йўқотилиши кузатилган. Энг кам дон йўқотилиши Туятиш навида 5%, Сурхак (Яккабоғ) 7%, Қизил буғдой (Олтинсой) 15% бўлганлиги аниқланган. Буғдойнинг СИММИТ коллекцияси намуналарида шира сони маҳаллий навларга нисбатан юқори бўлишига қарамай, дон ҳосилдорлигининг йўқотилиши нисбатан кам бўлган. Дон йўқотилиши ўртача 20-30 фоизни ташкил этиб, фақат 1 та намунада (СИММИТ 1326) 50% гача дон йўқотилганлиги кузатилди. СИММИТ 1033 ва СИММИТ 1147 намуналарида дон ҳосилдорлигининг камайиши назоратга нисбатан мос равишда 24 ва 23% ташкил этди. Бу намуналар ширага бардошли намуналар сифатида танлаб олинган.

Кузги буғдойнинг Ўзбекистонда районлаштирилган ва янги яратилган навларида шира билан зарарланганда 50 та бошоқ дон ҳосилининг назорат вариантдагига нисбатан йўқотилиши Ҳамкор, Ғозғон, Давр ва Яксарт навларида 47-48% ни ташкил этган. Половчанка, Гора, Жайхун, Тарққият, Бунёдкор ва Термез-6 навларида бу кўрсаткич 40% атрофида, Чиллаки, Термез-10 ва Гром навларида эса нисбатан кам бўлган. Охириги учта нав ширага нисбатан бардошли навлар эканлиги аниқланган.

Буғдой навлари шира билан зарарланган ва зарарланмаган далалардан 50 та бошоқ дон оғирлиги баҳоланиб, бунда энг юқори дон оғирлиги йўқотилган навлардан Сўғдиёна нави тажрибада фонимизда 59,4 г ташкил қилиб, назоратда 87,2 г ташкил қилган. Нўшкент нави тажрибада фонимизда 28,0 г аниқланган бўлса, назоратда 53,2 г бўлганлиги кузатилган. Семруғ нави тажрибада фонимизда 44,4 г бўлганлиги кузатилиб, назоратда 74,0 г ташкил қилган. Сергей нави тажрибада фонимизда 66,4 г ташкил қилиб, назоратда 84,0 г бўлганлиги кузатилган. Қолган навлар назоратга нисбатан тажрибада сезиларли даражада энг кам фарқ Насаф нави зарарланган фонда 84,2 г бўлган бўлса, назоратда 93,0 г ташкил қилган. Тихон нави тажриба фонимизда 110,0 г ташкил қилиб, назоратда 114,4 г бўлганлиги кузатилган. Сват нави зарарланган фонда 77,8 г бўлган бўлса, назоратда 81,2 г ташкил қилган. Термиз-10 нави тажрибада фонимизда 93,2 г ташкил қилган бўлса, назоратда 95,6 г бўлганлиги кузатилган.



**2-расм. Районлаштирилган ва янги яратилган навларида шира билан зарарланганда 50 та бошоқ дон ҳосилининг назорат вариантдагига нисбатан йўқотилиши**

Бобнинг тўртинчи бўлимида ширанинг буғдой намуналаридаги транспирация фаоллигига таъсирини баҳолашда ўрганилган барча нав ва намуналарда умумий хлорофил миқдори назорат вариантыдаги ўсимликлар баргида шира билан зарарланган тажриба вариантыдагига нисбатан юқори бўлган, фақат Қайроқтош ва Бойсун тўра 2 навлари ҳамда 1147 ва 1287 намуналарда статистик жихатдан ишончсиз натижалар олинган. Қизил буғдой (Дуоба) (назорат – 0,52, тажриба – 0,34), Қайроқтош ( назорат 0,60, тажриба – 0,55), Бабоки (назорат – 0,66, тажриба – 0,59), Туятиш (назорат – 0,67, тажриба – 0,50) ва Бойсун тўра-2 (назорат – 0,49, тажриба – 0,47) навларида контрол вариантыда каротиноидлар миқдори тажриба вариантидагига нисбатан юқори эканлиги, қолган навларида тажриба вариантыда каротиноидлар миқдори ошганлиги ва химоя вазифасини бажарганлиги аниқланган.

Коллекция намуналарида эса назорат вариантыга нисбатан тажриба вариантыда каротиноид миқдори пасайиб кетганлиги кузатилган. Фақатгина 1147 (назорат – 0,60, тажриба – 0,60) намунасида ўзгармаганлиги аниқланган. 1033 (назорат – 0,52, тажриба – 0,50) ва 1287 (назорат – 0,46, тажриба – 0,44) намуналарида сезиларли фарқ йўқлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «Буғдой намуналари ширага чидамлилик хусусиятларининг молекуляр таҳлил» деб номланган тўртинчи бобида куйидаги натижалар келтирилган:

Бобнинг биринчи бўлимида буғдой нав ва линияларини ширага чидамлилик генлари бўйича ДНК маркерлари ёрдамида ПЗР скрининг натижалари келтирилган.

Буғдойнинг 120 та нав ва нав намуналарида шира (*Diuraphis noxia*) зараркундасига чидамлилик ген/локусларини аниқлаш бўйича молекуляр таҳлиллар амалга оширилган. СТАВ (цетилтриметиламмоний бромид) усули ёрдамида тадқиқот намуналарининг ёш барг тўқималаридан геном ДНК ажратилган. Ўсимлик тўқимасидан ажратиб олинган геном ДНК намуналарининг миқдор кўрсаткичлари гелэлектрофорез усулида аниқ концентрацияли (50  $\mu$ л)  $\lambda$ фаг ДНК молекуласига қиёсланиб аниқланган. Барча ДНК намуналарининг концентрацияси бир хиллаштириб, 50 нг/ $\mu$ л га тенглаштирилган. Полимераза занжир реакцияси (ПЗР) буғдойда шира зараркундасига чидамлилик генларига алоқадор бўлган 8 та микросателлит (*ингл.* simple sequence repeats, SSR – такрорланувчи оддий кетмакетликлар) ДНК маркерлари асосида FroFlex PCR system (Applied Biosystems, АҚШ) ДНК амплификатор ускунасидан фойдаланиб амалга оширилган. ПЗР маҳсулотларининг молекуляр оғирлиги гелэлектрофорез (Thermo Scientific, АҚШ) ускунасида аниқланди ҳамда Molecular Imager ускунасида (BOIRAD, АҚШ) фотохужжатлаштирилган. Молекуляр таҳлиллар натижалари GelAnalyzer компютер дастурида генотипланган.

### 1-жадвал


#### Буғдойнинг шира зараркунда хашаротига чидамлилик билан генетик боғланган микросателлит маркерлар тўплами ҳамда уларнинг PIS ва гетрозигота (HE) ҳолати

№	ДНК маркерлар номи	Молекуляр оғирлиги (жуфт асос)	Алеллар сони	PIS	HE	Чидамликка генетик боғланган аллель
1	Xgwm44	120-200	5	0,6683	0,7183	180 ж.а. [56].
2	Xgwm111	135-190	3	0,3788	0,4383	200 ж.а. [56].
3	Xgwm635	90-110	4	0,6412	0,6977	100 ж.а. [101].
4	Xbarc76	190-210	3	0,5837	0,6578	190 ж.а. [105].
5	Xbarc172	155-175	3	0,4249	0,5145	155 ж.а. [44; 630-636-б].
6	Xbarc214	139-220	4	0,5651	0,637	220 ж.а. [44; 630-636-б].
7	Xksud14	260-330	3	0,5879	0,6621	260 ж.а. [98; 676-682-б].
8	Wmc473	143-163	3	0,4294	0,4795	162 ж.а. [52].

Молекуляр тадқиқотлар натижасига кўра, фойдаланилган 8 та SSRмаркерлари буғдой намуналари геномида турли аллеллар (жами 27 та)

кўринишида мавжуд эканлиги аниқланган. Тадқиқот намуналари генотипланганда, 8 та ДНК маркерларининг барчаси бўйича мономорфлик кузатилмаган. Улар полиморф бўлиб, шулардан Xgwm44 ДНК маркери буғдой намуналарида 5 тагача аллелларни намоён этган. Маркерларнинг буғдой намуналаридаги дискриминация қобилияти таҳлил қилинганда PIC 0,3788 (Xgwm111)дан 0,6683 (Xgwm44) гача бўлган кўрсаткични намоён этиб, ўртача қиймати 0,534 аллеллар сони билан полиморфлик даражаси фарқланган. Гетерозиготалик ҳолатига кўра, буғдой намуналарининг гетерозиготалик даражаси PIC қийматига яқин 0,4383 дан максимал 0,7183 даражагача бўлган.

Таҳлил натижаларига кўра чидамлилиқ билан генетик боғланган ДНК маркер аллели (Xgwm44\_180) 20 та буғдой намуналари геномида мавжуд эканлиги маълум бўлган (4.2-расмларга қаранг). Жумладан, Сват, Хамкор, Ўткир, Амангул, ВВ 208, ЖМ 6-1, Давр, Вершина, Санзар-40, Умид, Бограт, Адел, Нихол, Термиз-10, Гром, Краснодар-99, Старшина, Давр, Яксарт, Туятиш навлари ўзида чидамлилиқ аллелларини намоён этган. Шунингдек, буғдой намуналарининг 17 тасида (Нўшкент, Умид, Ўткир, Амангул, Лебедь, Барака, Старт, Бограт, Адел, Вита, Табор, Таня, Денов-1, Дурдона, Старшина, Кўнак ва Тихон) Xgwm44 ДНК маркерининг чидамлилиқка алоқадор бўлмаган 120 жуфт нуклеотидга эга аллели мавжудлиги кузатилган.



3-расм. Xgwm44 ДНК маркерининг тадқиқот намуналаридаги ПЗР ампликонлари электрофореграммаси.

Бобнинг иккинчи бўлимида буғдой нав намуналарининг ўзаро филогенетик муносабатлари шира зараркунандасига чидамлилиқ хусусиятлари билан генетик боғланган ДНК маркерларининг аллель ҳолатлари (генетик полиморфизми) асосида NCSS 2022 статистик таҳлиллар



Қайроқтош, Бобоки (Сурхондарё) нави ҳамда 38 та районлашган навлар гуруҳдан жой олган.

## ХУЛОСАЛАР

«Буғдой нав ва тизмаларида ширага чидамлилиқ генларини ДНК маркерлари ёрдамида аниқлаш» мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилган:

1. Маҳаллий ва халқаро буғдой селекциясига мансуб 120 та нав ва тизмалар ширага чидамлилиқ билан генетик боғланган 8 та ДНК маркерлар билан генотипланганда улар ўртасида юқори даражада полиморфизм мавжудлиги ва ўзаро аллелларнинг молекуляр оғирлигига кўра фарқланишлари тасдиқланган.

2. Буғдой нав намуналарининг генетик полиморфизми асосида уларнинг филогенетик шажараси тузилди ва намуналарнинг ўзаро генетик узоқ ёки яқинлиги очиқ берилган.

3. Буғдой нав ва тизмалари ширага чидамлилигининг фенотипик таҳлили улар орасидан Термиз-10, Туятиш, Қизил буғдой (Олтинсой-2013), Тараққиёт, Ғозғон навлари каби қимматли манбаларни аниқлаш имконини берган.

4. Буғдой нав ва тизмаларининг ширага чидамлилиқ билан генетик боғланган ДНК маркерлари билан генотипланиши KR159808, Хамкор, Зарафшон, Термиз-10, Денов-1, Дурдона, Восток навларидаги чидамлилиқ хусусиятларини молекуляр даражада тасдиқланган.

5. Молекуляр ва фенологик тадқиқотлар натижасида ширага чидамлилиқ билан алоқадор Xgwm44 ва Xgwm111 ДНК маркерлари юқори ишонли маркерлар эканлиги тасдиқланган.

6. Тадқиқот натижасида 120 та буғдой нав ва тизмалари геномида шу кунгача бутун дунёда аниқланган Рус буғдой ширасига чидамлилиқ бўйича 14 та *Dn* генларидан 7 таси, яъни *Dn1*, *Dn2*, *Dn4*, *Dn5*, *Dn6*, *Dn8* ва *DnCl2401* генлари мавжудлиги тасдиқланган.

7. Ширага чидамли деб топилган буғдой нав намуналарини келгусида маркерларга асосланган селекция технологиясига жалб этиш орқали янги чидамли навларни яратиш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И  
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

---

**ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ  
РАСТЕНИЙ**

**БАХАДИРОВ УМИДДЖАН ШАКИРДЖАНОВИЧ**

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ ГЕНОВ УСТОЙЧИВОСТИ К ТЛЕ У СОРТОВ И  
ЛИНИЙ ПШЕНИЦЫ С ПОМОЩЬЮ ДНК МАРКЕРОВ**

**03.00.09 – Общая генетика**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.2.PhD/B207.**

Диссертация выполнена в Центре геномики и биоинформатики Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.namdu.uz](http://www.namdu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель :</b>	<b>Тўраев Озод Суннаталиевич</b> доктор философии по биологическим наукам
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Кушанов Фахриддин Нетьматович</b> Доктор биологических наук <b>Джабборов Иброхим Шодмонович</b> Доктор биологических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Институт генетических ресурсов растений</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» декабря 2022 года в \_\_ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, Юкори-Юз п/б, конференц-зал. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30; электронная почта: [igebr@academy.uz](mailto:igebr@academy.uz), [генетика@uzsci.net](mailto:генетика@uzsci.net), [gen@inst.gov.uz](mailto:gen@inst.gov.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии (зарегистрирована под №\_\_). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, Юкори-Юз п/о, конференц-зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.: (+99871) 264-23-90; факс: (+99871) 264-22-30.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года  
( реестр протокола рассылки № \_\_ в «\_\_» \_\_\_\_\_ за 22 года ).

**А.А. Нариманов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.с/х.н., профессор

**С.К. Бабоев**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н. профессор

**Ш. Юнусханов**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.б.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в связи с ростом мирового населения, повышается и спрос к пшенице. Путём компьютерных прогнозирований выяснилось, что к 2050 годам спрос потребителей на хлебные продукты возрастёт на 60 процентов, по сравнению с настоящим временем. Кроме того, потеря значительной части урожая пшеницы из-за водного дефицита, засоления почвы, болезней, а также вредителей может существенно усугубить проблему быстрого роста потребительского спроса на хлеб и хлебобулочные изделия в будущем. В связи с этим весьма актуальной задачей становятся решение проблемы удовлетворения возрастания будущего спроса не за счет дальнейшего расширения посевных площадей и освоения новых земель, а путём создания нового поколения сортов пшеницы, устойчивых к вредителям и болезням.

В мире широко проводятся научно-исследовательские работы по определению особенностей устойчивости зерновых культур к вредителям и подбору устойчивых сортов. В частности, проводится скрининг по устойчивости к большой злаковой и обыкновенной черемуховой тлям в различных эколого-географических зонах. Современные сорта интенсивного типа, отличающиеся повышенной урожайностью, высоким качеством и вкусовыми свойствами, к сожалению, часто не проявляют полевой устойчивости к вредителям, чем способствуют накоплению их в агробиоценозах. В связи с этим большое внимание уделяется поиску сортов, сочетающих устойчивость к вредителям и патогенам, с высокой продуктивностью и качеством зерна.

В республике в результате проведенных крупных реформ в аграрной сфере была достигнута зерновая независимость, проведены научные исследования по созданию сортов пшеницы, адаптированных к местным климатическим условиям, устойчивых к жаре и засухе. В стратегии развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы поставлена задача «увеличить доходы крестьян и фермеров не менее чем в 2 раза за счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе и довести ежегодный прирост сельского хозяйства до уровня не менее 5%». Исходя из этих задач, важное значение имеет выявления генов устойчивости к тле мягкой пшеницы подбор сортов, устойчивые к тле.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, изложенных в Указе Президента Республики Узбекистана от 07.02.2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан, от 27.11.2018 г. № 959 «О дополнительных мерах по дальнейшему стимулированию выращивания зерновых колосовых культур», Указе Президента Республики Узбекистана от 06 марта 2020 года № УП - № 4634 «о мерах по широкому внедрению

рыночных принципов в производство, закупку и реализацию зерна” и других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

